

Бақара сураси, 120-оят

21:20 / 17.11.2017 6651

Яҳудийлар ҳам, насоролар ҳам уларнинг миллатига эргашмагунингча, сендан зинҳор рози бўлмаслар. «Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти, ҳа, ўшагина ҳидоятдир», - деб айт. Агар ўзингга келган илмдан кейин ҳам уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсанг, сенга Аллоҳдан (қутқарувчи) дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқдир. Бақара 120.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уқдирмоқдаки:

«Яҳудийлар ҳам, насоролар ҳам уларнинг миллатига эргашмагунингча, сендан зинҳор рози бўлмаслар».

Яъни «Яҳудий ва насороларни рози қиламан, деб овора бўлма. Қачонки уларнинг миллатига – динига эргашсанггина, сендан рози бўлишади. Бошқа ҳолда уларга ҳеч қачон ёқмайсан».

Оятнинг давомида У Зот Ўз Пайғамбарига:

«Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти, ҳа, ўшагина ҳидоятдир», - деб айт», - деб ўргатяпти. Қисқа ва аниқ: Аллоҳнинг ҳидояти ҳақиқий ҳидоятдир. Бошқа ҳеч қандай ҳидоят бўлиши мумкин эмас. Гап тамом. Фикрни бошқа ёққа бурмаслик керак. Бошқа тарафнинг розилигини топишга ҳаракат қилишга ҳожат йўқ.

«Агар ўзингга келган илмдан кейин ҳам уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсанг, сенга Аллоҳдан (қутқарувчи) дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқдир».